

Bekorchilik va ayshirhat nafaqat nodonlikka olib keladi, ayni vaqtda kasallikning tug'ilishiga ham sabab bo'ladi.

Abu Ali ibn Sino




O'zbekiston sog'liqni saqlash xodimlari kasaba uyushma Markaziy qo'mitasi tomonidan 2002 yilning o'tgan davr mobaynida nogiron bolalar, qariyalar, talabalar, shuningdek, kam ta'minlangan oilalar farzandlari va mehribonlik uyilari tarbiyalanuvchilarini qo'llab-quvvatlash uchun 2 million so'mga yaqin mablag' o'tkazildi.

ВАТАНГА ОШУФТАЛИК САБОҚЛАРИ

VATAN TUYG'USI

5



сахнасидан тушиб кетган. Бунга қўллаб мисоллар келтириш мумкин.

Муσταқил Ўзбекистонда ҳам ёш авлодга ўз миллати, Ватани тарихини ўргатиш орқали Ватан равнақи йўлида янада юксак ютуқларни қўлга киритишга йўналтириш энг устувор вазифалардан ҳисобланади. Таълимнинг янги давлат стандартларида ушбу масалаларга биринчи даражали эътибор қаратилиши, ўқув режаларига янги фанлар киритилиб, умумтаълим, ўрта махсус ва

Bu sizning kitobingiz: o'qing, o'rganing, asrang, avaylang

Барча замонларда энг мураккаб ва масъулиятли ишлардан бири ёш авлодни тарбиялаш, жамият эришган bilimларни, кадриятларни унинг онгига сингдириш бўлган. Зеро, бу жамият олга ривожланишининг, авлодлар ўртасида ворислиқни таъминлашининг муҳим шартидир.

Жамият ривожланиб, кишилар тарихий бирикларининг янги шакллари вужудга келиши жараёнида таълим-тарбия ишлари такомиллашиб, мазмунан ва шаклан бойиб бораверган. Лекин асосий мақсаднинг мохияти ўзгармаган — бу эл ва Ватан туйғусини тарбиялашдир. Ушбу масалага қайси жамият, қайси мамлакат, қайси халқ етарлича эътибор бермас, оқибат натижада таназулга юз тутган, парокандаликка учраган, ҳатто тарих

олий мактаблар учун тегишли дарсликлар яратилиши ҳаётий заруратдир. Умумий ўрта таълим мактабларнинг 5-синфлари учун Х.Султонов ва М.Қаршибоев томонидан ёзилиб, "Маънавият" нашриёти томонидан chop этилган "Vatan tuyg'usi" ўқув қўлланмаси ана шу зарурат маъсулидир.

Ўқувчилар учун ўқув қўлланмаси, дарслик ёзиш — жуда қийин иш. Чунки, бунда муаллифларнинг кенг ва теран билимга эга бўлишининг ўзи етарли эмас. Улар ўқувчиларнинг билим савиясини, лугавий бойлигини, қизиқишларини, ёшига хос феъл-атвори ва психологиясини яхши тасаввур этиб, дидактик материални танлаш, баён этиш каби жиҳатларни ҳисобга олишлари керак.

(Давоми 3-бетда)

МАЙДОНГА ТАЪЛИМ РАҲБАРЛАРИНИ ЧОРАЙМИЗ

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ишларига кенг эътибор бериб келинмоқда. Спорт-соғломлаштириш тадбирлари нафақат спортчилар, балки барча фуқароларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш, ҳам жисмонан, ҳам руҳан чиқариш мақсадини кузда тутди. Ана шундай тадбирлардан яна бири утказиладиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири "Халқ таълими тизимидagi ташкилотлар раҳбарлари ўртасида катта теннис буйича "Ma'rifat" газетаси соврини учун мусобақалар

"Ma'rifat" sovrimini uchun

утказиш тўғрисида"ги буйруққа имзо чекди. Халқ таълими тизими раҳбарлари ўртасида жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишларини оммалаштириш, катта теннисни тарбия этиш ва жойларда "Ma'rifat" газетасига ҳамда бошқа таълим нашрларига эътиборни ошириш орқали унинг обунасини самарали ташкил этиш мақсадида уюштирилаётган ушбу мусобақалар шу йилнинг 21-22 июнь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Бунинг учун катта теннис мусобақаларини утказиш Низоми, Ташкилий қўмита таркиби, тадбирлар режаси ҳамда гуруҳ, финал мусобақалари жалвали тасдиқланди.

Ҳалиқиларни қимматбаҳо совринлар ва эсдалик совгалари кўтмоқда.



"Йил тарбиячиси — 2002" Республика танловида Хоразм вилояти, Боғот туманидаги "Гунча" номли мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Максуда Курбонбоева "Энг зехни ўткир тарбиячи" номинацияси бўйича голиб деб эътироф этилди.

Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

Рисолат бувининг ёши тўқсондан ошди. Оёқлар дармонсизланиб, уй юмушларига ҳам ярамай қолди. Кун бўйи ётиш зериқарли. Гаплашиб, юрагини ёзадиган киши йўқ. Қўшнилари ҳам ўз иши билан. Начора...

Бир тўп болаларнинг шовқин-сурон билан хонага кириб келишидан бувининг хаёли лалар ювилди. Ҳовли ҳам сурпурилиб, тартибга келтирилди. Қизлардан бири иссиқ нон олиб келди. Бир пийла чай устида сўхбат бошланди.

Чортоқ туманидаги 47-мактаб жамоаси хайрли ишга қўл урди. Мактаб худудидаги кексаларни оталиққа олишди. 1500 дан зиёд ўқувчи ўқийдиган билим мактабиди меҳр-муҳаббат ва ҳилм билан яшайдиган болалар.

РИСОЛАТ БУВИНИНГ ДУОСИНИ ОЛГАН БОЛАЛАР

бўлинди. Аввалига қўтилмаган меҳмонлардан ҳайрон бўлди. Муаллима Муҳаббатхон Ўбайдуллаевадан муддаони билгач, юзлари ёришиб, қўзларида биланар-биланмас ёш қалқиди. Беихтиёр қўлларини очиб узоқ дуо қилди. Бу орада ўқувчилар ташқарига жой тайёрлаб, бувини тоза ҳавога олиб чиқдиши. Уй ичини йиғиштириб, тозалашди, чойнак-пий-

руват гуруҳлари тузилди. Улар қишлоқдаги нуроний отахон ва онахонлардан хабар олиб, керак бўлса уй юмушларида ёрдам беришяпти. 7 "А"-синф ўқувчиларининг Рисолат буви Холбоева хонадонига биринчи ташрифи ана шундай бошланди.

Ўқувчилар шу кундан бошлаб Рисолат бувининг уйда навбатчилик ташкил этишди. Ханифа Қаюмова, Райхона Мамажонова, Умида Ҳамидова, Фотима Аскарлова, Сожида Қозоқова, Раъно Тўлабоева ва бошқалар дарсдан бўш пайтларида галла-галдан хабар олиб туришибди.

ЮТУҚЛАР БОР, КАМЧИЛИКЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

Самарқанда шахрида ташкил этилган Мирзо Улughбек номидаги 1-сон ихтисослашган мактаби физика-математика, инглиз тили ва кимё фанлари чуқур ўргатиладиган махсус ўқув учоғи ҳисобланади. Лицейнинг ташкил этилиши тарихи Самарқанд Давлат Университети механика-математика факультети жамоасининг вилоят мактабларида мазкур фанлар чуқур ўргатиладиган синфлар очиб тўғрисидаги ҳаракатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу ҳаракат 1980 йилларга бориб тақалади.

Бугунги кунда лицейимизнинг 350 нафар ўқувчиларига 4 нафар фан доктори-профессор, 25 нафар фан номзоидоцент ва катта педагогик таърибага эга қилинган 8-синф (кейинчалик 9-11-синф) ўқувчилари учун физика, математика, инглиз тилларида махсус дастурлар тузиш ва улар асосида ўқув жараёнини ташкил этиш учун Республика ДТС асосида МДХ давлатлари ва чет элларда мавжуд лицейлар учун тузилган дастурларни таҳлил қилган ҳола, ечилиши мураккаб бўлган мисол-масалалар ҳамда олимпиадага мос мавзулар ўрин олган дастурлар ишлаб чиқилди.

Бўлган ўқитувчи таълим бермоқдалар. Ўтган ўқув йилида ушбу педагоглардан таҳсил олган 11-синф ўқувчиларининг деярли барчаси юқори баллар билан давлат гранти бўйича олий ўқув юрталарининг талабалари бўлишди.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Islom Karimov 17 iyun kuni Oqsaroyda Latviya Respublikasi tashqi ishlar vaziri Indulis Berzinshni qabul qildi. Suhbat chog'ida O'zbekiston-Latviya munosabatlari hozirgi ahvoli va istiqbollari, siyosiy va savdo-iqtisodiy hamkorlikni faollashtirish, transport kommunikatsiyalari borasida aloqalarni rivojlantirish masalalari muhokama qilindi.

Nazorat organlari faoliyatini muvofiqlashtiruvchi respublika kengashining navbatdagi majlisi bo'lib o'tdi. Unda Xorazm viloyati hokimining xo'jalik yurituvchi sub'ektlarni tekshirishni tartibga solish bo'yicha respublika qonunchiligi bajarilishini ta'minlash borasida viloyatda olib borilayotgan ishlar haqidagi axboroti tinglanib, zarur xulosalar chiqarildi.

BOShQARMA DA YNGI MARKAZ
Хоразм вилояти урта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси қошида янги илмий-услубий Марказнинг ташкил этилганига унчалик кўп вақт булгани йўқ. Лекин, шу қисқа вақт ичида мазкур марказ вилоят УМКХТ муассасалари ўқитувчиларига қатор амалий ёрдам курсатишга улгурди. Мухбиримиз вилоят УМКХТ бошқармаси бошлиғи, техника фанлари доктори, профессор Полвон Қаландаров билан ушбу Марказнинг фаолияти, мақсад ва вазифалари ҳақида сўхбатлашди.

SHOVQINDAN SAQLANING!
Avstraliyalik olim Griffet uzoq muddat tadqiqotlar olib borib, oqibatda shovqinning inson hayot faoliyatiga ta'sirini o'rganib chiqdi. Mutaxassising ta'kidlashicha, shovqin aqliy mehnat bilan shug'ullanuvchilarga, shuningdek, katta yoshdagi kishilarga ko'prog salbiy ta'sir etadi. 30 foiz shaharliklarning orta qarishiga va sanoat korxonalaridagi ish unumdorligishiga 30 foizgacha tushishga ham shovqin sabab bo'lar ekan.

Toshkent Davlat agrar universitetida reproduktiv salomatlik va oila ekologiyasi muammolariga bag'ishlangan ilmiy-amaliy anjuman o'tkazildi. Unda mamlakatimizda sog'lom oilani shakllantirish hamda yoshlarni oillaviy hayotga tayyorlash borasida so'z bordi.

Hindistonda Shankar xalqaro bolalar musobaqasining 2001 yil rasmlar tanlovi natijalari ma'lum qilindi. E'tiborlisi, xalqaro hay'at qaroriga ko'ra musobaqada qatnashgan o'zbekistonlik o'quvchilardan 10 nafari mazkur nufuzli bolalar xalqaro tashkilotning medal va sertifikatlari bilan taqdirlandi.

BARMOQLAR SO'ZLAYDI
Inson barmoqlaridagi chiziqklar uning qobiliyatini bildiradi, sog'lig'i haqida axborot beradi, deb hisoblashadi mutaxassislar. Ma'lum bo'lishicha, barmoqlardagi naqshlar ona qornida homilaning 3-5 oyilgida asab tizimi to'qimalari bilan birga paydo bo'ladi. Inchinun, ta'kidlashadi olimlar, barmoqlardagi chiziqlar va inson asab tizimi bir-biriga o'zaro bog'liqdur.

ENG UZUN TAOMNOMA
Tamaddinonalar xo'rاندalar e'tiborini tortish uchun nimalar qilmaydi deysiz. Kopengagen shahrida joylashgan "Oskar Davetson" restorani ma'muriyati esa, mijozlarning har bir istagini hoziru nozir qilishga odatlanishgan ko'rinadi. Restoranda uzunligi 115,5 santimetr bo'lgan, 177 nomdagi ovqatlarni taklif etuvchi taomnomalar joriy qilinibdi.

SO'NGGI UCH KUN MUJ DALARI

O'qituvchi yon dastariga

БОШҚАРМАДА ЯНГИ МАРКАЗ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Амалиётдаги мавжуд таълим-тарбия тизими ва унда қўлланилаётган услубийларни янада янгилаб бориш мақсадида бошқармаимиз қошида илмий-услубий марказ ташкил қилдик.

— Марказнинг асосий вазифалари нималардан иборат?

— Урта махсус, касб-хунар таълими соҳасида йуналишлар буйича илгор тажрибаларни туплаш ва кенг ёйиш; янги ўқув қўлланма ва дастурларини синовдан ўтказиш, бу борада камчиликларни бартараф этиш, уларни миллий истиқлол гоёси асосида такомиллаштириш; жойларда ижтимоий изланишлар асосида педагог-муҳандисларнинг фикрларини, тақлиф-таъсияларини урганиш, шу асосда янги услубий қўлланма ва дастурлар яратиш; янги замонавий ўқитиш тизимини шакллантириш, интернет тизимидан тулақонли фойдаланишга эришиш, бунда машғулотларни компьютер, модем тизимлари ёрдамида ташкил этиб, бошқа воситалар орқали уларнинг самарадорлигини ошириш; ишлаётган педагог-муҳандислар малакасини тобора ошириш, уларга услубий ёрдам курсатиш, янги ўқитувчилар авлодини шакллантириш; педагог-муҳандислар учун маъруза матнлари тайёрлашда, ёш олимларга илмий ишларида амалий ёрдам уюштириш; фан кабинетлари, лабораториялар, устахоналар фаолиятини замонавий услубда юқори савияда ташкил этишга қўмаклашиш; академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига ўқувчиларни қабул қилишнинг тест тизимини такомиллаштириш, қабул жараёнига умумтаълим мактабларини тугатган ўқувчиларни кўпроқ қамраб олиш, уларни тест синовларига пухта тайёрлаш ва турли касбларга йуналтириш; тизимда ишлаётган ўқитувчи ва педагоглар, педагог-муҳандислар, ишлаб чиқариш усталари ва бошқа кадрларни мунтазам аттестациядан ўтказиш ва уларни қайта тайёрлашга қўмаклашиш; турли курганмалар, семинарлар, конференциялар, куриктанловларни мунтазам равишда ўтказиб бориш. Марказимизнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Умуман, кенгроқ ва чуқурроқ шарҳлайдиган булсақ, вазифалар жуда кўп. Қисқа қилиб айтганда, барча ишлар Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг 2-босқичини самарали амалга оширишга, шировард натижада мустақил ва эркин фикрловчи, билимли, касб-хунарда моҳир, юксак эътиқодли баркамол авлодни шакллантиришга қаратилди.

М.АЙТИМОВ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шунингдек, ўқувчиларимиз, туман, вилоят ва республика босқичидаги олимпиадаларда қатнашиб, соғрини ўринларни эгаллаб келмоқдалар. 1995 йил О.Муминова, Ш.Мусаев ва К.Ўқубовлар математикадан ўтказилган Республика олимпиадасининг ғолиблари бўлишган. Ҳозирги кунда эса 6 нафар ўқувчи Халқаро Жаҳон олимпиадасида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишди. Омад қилиб бокса, улар вилоят тарихида биринчи мартаба математикадан жаҳон олимпиадасида иштирок этган қадирғочлар бўлишди.

2002 йилнинг январида шаҳар халқ таълими бўлими ташаббуси билан СамДУ раҳбарияти ва механика-математика факультети жамоаси ҳамкорлигида "Мактабларда математика фанини

ЮТУҚЛАР БОР, КАМЧИЛИКЛАР ҲАМ ЙЎҚ ЭМАС

ўқитиш муаммолари" мавзусида илмий-амалий семинар ўтказди. Бундан мақсад ушбу мазму атрафида фикрлашиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг 2-босқичи "сифат босқичи" деб ата-

лаётган экан, унга эришиш учун мактабларнинг қуйи синфларида махсус математика-физика синфларини очишни тезлаштиришимиз, улардаги ўқиш жараёнида махсус дастурлар асосида

ган бинонинг қурилганига 100 йилдан ошган — талбага жавоб бермайди. Синф хоналар кичкина, парталарда ўқувчилар уч нафардан сиқилишиб ўтиришади. Баъзи синфларда,

Лицейда 350 нафар ўқувчи 16 та синфда тахсил олади. На кимё, на физика лабораторияси, на спорт зали миз бор. Бу фанлар буйича дарслар СамДУ лабораториясида олиб борилади. Шу

қатнов кўчалардан утишларидаги хавфлар ва бошқалар...

Бундан ташқари илм масканимизнинг кутубхона ва ўқув зали ҳам йўқ. Ваҳоланки, ёшларнинг маданий-маънавий савиясини оширишда кутубхоналарнинг аҳамияти бекиёсир.

Ёш бола қайси ўқув даргоҳида ўқимасин, қимил инсон даражасига кўтарилса у мактаб, лицей, институт — ҳаммининг фахридир. Бу жараён, энг аввало, мактабдан бошлангани учун ҳам ундаги вазифа жуда ҳам масъулиятли ҳисобланади.

Т.МАКСУДОВ, лицей директори, физика-математика фанлари номзоди, доцент

Мана ёз фасли келиб, мактаб ўқувчилари катта таътилни бошлаб юбордилар. Бу пайтда кимдир оромгоҳда, кимдир сулим ва баҳаво қишлоқда, яна кимдир ўз уйида ота-онаси, яқинлари билан бирга дам олади. Зеро, ушбу таътилда ўқувчиларнинг қай даражада хордиқ олишлари, уларнинг келгуси ўқув йилидаги кайфиятларига, ўқишларида таъсир этади. Бу борада таътилни уйда ўтказаятган ўқувчилар кўпроқ бадний китоб ўқиб, ўз дунёқарашла-



рини кенгайтириш, тўғаракларга қатнашиб бирор хунар урганишга киришадилар. Жумладан, бундай жиҳат Бухоро вилоятида яққол кузга ташланади.

1. Ромитан туманидаги 26-мактаб кутубхонаси таътил булишига қарамасдан китобхоналар билан гавжум. 2. Шу тумандаги 43-мактабда алгебра ўқитувчиси Гулсара Ҳафизова тўғарак пайтида ўқувчиларга машғулот ўтмоқда.

Б.РИЗОҚУЛОВ олган суратлар



ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИККА ЭЪТИБОР

проректори Б.Якубов тарих фанлари номзоди, доцент Р.Машарипов, ВХТБ етакчи мутахассиси И.Абдурахмоновлар сўзга чиқиб, ўқувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда Давлат рамзлари ва тимсоллари мазмун-моҳиятини англашда мактабдан ташқари таълим муассасаларининг роли ҳақида маърузалар қилдилар. 3 кун давом этган ҳудудий анжуманда иштирокчилар жаҳон цивилизациясининг ўчоқларидан бири, "оқиқ осмон остидаги музей" деб ном олган қадимий Хива шаҳрига бориб, улуг аждодларимиз қадим-жоларини зиёрат қилдилар.

Назозат ХОЛМЕТОВА, "Маърифат" муҳбири

ОРОМГОҲДА ОРОМ ОЛАР БОЛАЛАР

Каттақўрғон шаҳар халқ таълими бўлими ҳамда таълим ва фан ходимлари касаб уюшмаси болалар дам олиш мавсумига катта тайёргарлик кўришди. Шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли Ибн Сино номидаги болалар оромгоҳида бу йилги мавсумда 3 босқичда 630 нафар ўқувчи дам олади. Айни кунда 1-босқичда 210 нафар дам олаётган болаларнинг қувончи чексиз бўлиб, уларнинг 140 нафари Каттақўрғон ёр-мой корхонасида меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг фарзандларидир. Ўқувчиларнинг ихтиёрида спорт ўйингоҳи, тиббиёт маркази, кутубхона, ошхона, дам олиш хоналари мавжуд. Яқинда оромгоҳда "Ким бўлмоқчи?" мавзусида очик мулоқот ўтказилди. — Бу мулоқотда болаларнинг орзу-умидлари юксак эканлиги яна бир бор ўз тасдиғини топди, — дейди Каттақўрғон шаҳар таълим ва фан ходимлари касаб уюшмаси қўмитаси раиси Исмаилов Умаров. Моҳинисо ПУЛАТОВА

Ma'rifat МАСЛАХАТХОНАСИ

Андижон вилояти, Пахтаобод тумани Ирода НОРМАТОВАдан: Савол: Уш Давлат университетини битириб, Ўзбекистонда ишласам бўладими?

Жавоб: Сиз Уш Давлат университетини битириб, Ўзбекистонда ишлашингиз учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги но-стрификация бўлиминдан утиштириш лозим бўлади.

Андижон вилояти, Булоқбоши тумани М.КАЮМОВАдан: Савол: Қизимнинг ўқишини Уш Давлат университетида Андижон Давлат университетида кўчирсам бўладими?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқитишнингизни ўтказишингиз учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қоши-

Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани С.ЮСУПОВАдан: Савол: Мен 1952 йил 13 декабрда туғилганман. 32 йил педстажга эгаман ва ўрта фарзандни тарбиялаганман. Менга пенсияга чиқиш учун қандай имтиёзлар берилади ва қачондан бошлаб пенсияга чиқаман?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунининг 9.11.12-моддалари ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли Қарори билан тасдиқланган 2-ҳамда 3-сонли руйхатларига асосан меҳнат шартини ута зарарли ва ута оғир ҳамда зарарли ва оғир ишларда тулиқ иш куни давомида банд бўлган ходимларга пенсияга чиқиш учун қонунда белгиланган ёшнинг 10 йил ва 5 йилга қисқартирилган имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқи берилган. Қонунининг 7.121-моддаларига биноан эр-

Қашқадарё вилояти, Қамаш шаҳар 1-ўрта мактаб У.РАҲИМОВАдан: Савол: Мактаб қозонхонаси алоҳида бўлиб, ўрта босимдаги газ тармоғига уланиб, қозонхонада Универсал-6-М типидagi иккита мураккаб автомат тизим урнатилган бўлса, қозонхонани кимлар ишлатиши керак ҳамда мавсумий фаслда ишлаган ишчиларга қандай тартибда иш ҳақи тўланиши керак?

Жавоб: Ушбу савол билан "Ишонч" газетасига ҳам мурожаат этган экансиз. Мутахассиснинг

Хоразм вилояти, Шовот тумани Н.ЙУЛДОШЕВдан: Савол: 1996 йил август ойида имтиёзли пенсияга чиқдим, шундан кейин ҳам директорлик вазифасида ишимни давом эттириб, 2001 йил қарилки пенсиясига чиқдим. Мен 1996 йилдан жамоа хўжалиги билан шартнома тузиб 6 йилгача пахта экиб топширдим. Мени жамоа хўжалиғидagi иш ҳақларим ва педстажим кўшилиб, пенсиям қайта ҳисобландими ёки 1996 йил имтиёзли пенсияга чиққан ҳолатда қоладими?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунининг 49-моддасида пенисияларни қайта ҳисоблаш шартлари белгиланган. Ушбу моддага қура, пенсиялар фақат 6 та ҳолатда қайта ҳисобланиши мумкин. Булар қуйидаги ҳолатлар:

- 1. Пенсиялар таъсир курсатувчи қўшимча хужжатларни тақдим этган тақдирда. Бунда гап пенсия тайинланишидан олдин ҳисобга олинмай қолган стаж ва иш ҳақи турғисида кетаяпти. Шу билан бирга, пенсиянинг бир туридан бошқа турига ўтаётганда, масалан, ногиронлик пенсиясидан ёшга доир пенсияга ўтганда, янги пенсия тайинланганга қадар барча ишлаган вақт стажга киритилиб, пенсия томонидан тақдим этилган иш ҳақидан пенсия қайта ҳисоблаб чиқилади.
- 2. Ногиронлик гуруҳи узгарганда.
- 3. Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини оладиган оила аъзолари сони узгарганда.
- 4. Энг кам ойлик иш ҳақи миқдорлари узгарганда. Бунда барча пенсиялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 26 мартдаги "Энг кам иш ҳақи, стипендия, нафақалар, пенсиялар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармонига биноан қайта ҳисобланади.
- 5. Минтақавий коэффициентини белгиланган (бекор қилинган) ёки унинг миқдори узгарган тақдирда; бу қоида алоҳида оғир табиий иқлим шароитида жойлашган махсус туман ва шаҳарларда яшовчи пенсионерларга тааллуқли.
- 6. Даромадлар индекси қилинганда.

Й.АХМЕДОВ, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаб уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси

